

Жунайдинг сўнги нафаси



08:00 / 23.06.2020 2867

Абу Бакр Аттор айтади: «Жунайд Абул Қосим жамоат билан намоз ўқиб турганида ўлим ҳозир бўлди. У намозни ўтириб ўқиётган эди. Сажда қилишга чоғланиб, оёқларига таянмоқчи бўлган эди, оёқларидан жон чиқди. Унинг ҳаракатлари оғирлашиб қолди. У икки оёғини аста узатди. Ўша намозда қатнашган баъзи дўстларимиз унга ўлим ҳозир бўлганини сезишди. Абул Қосимнинг оёқлари шиша бошлади. Шунда ёнида турган Басомий деган одам: «Эй Абул Қосим, сенга нима бўляпти?» деб сўради. У: «Бу Аллоҳнинг неъматлари... Аллоҳ буюқдир», деди. Намоздан кейин Абу Муҳаммад Жаририй: «Эй Абул Қосим, чалқанча ётиб олинг», деди. У: «Эй Абу Муҳаммад, бу Аллоҳ берган неъмат вақти (ўлим фурсати). Аллоҳ буюқдир», деди ва то вафот этгунга қадар шу ҳолатда бўлди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан